Олий Мажлис сессияси олдидан

# Манфаат имтиёз билан уйғунлашса

## ижро ҳам кучли бўлади

— Мамлакатимиз Олий Мажлисининг бирор-бир сессияси йўққи, тиббиёт, халқ таълими, ижтимоий таъминот, бандлик масалаларига оид қонун лойиҳалари, меъёрий ҳужжатлар муҳокамага қўйилмаган бўлса, — дейди Фарғона тумани марказий шифохонаси бош ҳакими, Олий Мажлис депутати Мамарўзи Мамажонов. — Ҳозиргача бўлиб ўтган тўртта сессияга мен аъзо бўлган ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитасидан ўнга яқин қонун лойиҳалари, турли ҳужжатлар тақдим қилинди.

Мамарўзи Мамажоновнинг касби шифокор, салкам ўн йилдирки, Фарғона вилоятининг Қурама тоғи этакларида жойлашган Фарғона тумани даволаш муассасаларига раҳбарлик қилади. Республикамизнинг энг сўлим сиҳатгоҳлари, дам олиш гўшалари — Шоҳимардон, Водил, Чимён оромгоҳлари шу туманда жойлашган. Айниқса, туманнинг мўътадил, салқин ҳавоси, тоғ иқлими нафас қисиш, сил, бўғма касалликларини табиий усулда даволаш учун анча қулай.

— Шу нуқтаи назардан Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси кун тартибига «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси киритилганлиги айни муддао бўлди, — дейди суҳбатдошимиз. — Ҳозир туманимизнинг Водил қишлоғида 200 ўринли болалар сил касаллигини даволаш санаторийси, махсус мактаб ишлаб турибди. 60 ўринли шифохона эса катта ёшдаги беморлар ихтиёрида. Шоҳимардон қишлоғида ҳам ихтисослаштирилган сиҳатгоҳ мавжуд. Қонун лойиҳасининг 11-моддасида сил касаллигига чалинган беморларнинг ҳуқуқлари кафолати ўз ифодасини топган. Энди мазкур сиҳатгоҳларда даволанадиганларнинг манфаати бевосита қонун йўли билан ҳимояланадиган бўлади.

Шу ўринда қонун лойиҳасини диққат билан ўқиб-ўрганиб чиққанимдан сўнг пайдо бўлган таклифлар, мулоҳазалар билан ўртоқлашмоқчиман. Лойиҳанинг 9-моддасидаги «Аҳолига сил касаллигига қарши ёрдам фуқароларнинг ихтиёрий равишда мурожаат қилганда, уларнинг ўз розилигига кўра ёхуд қонуний вакилларнинг розилиги билан кўрсатилади», деган жумлаларни қуйидаги таҳрирда берилишини таклиф қиламан: **«Бирламчи сил касаллиги аниқланган ва ихтиёрий мурожаат қилган беморлар шифохона шароитида даволаниши мажбурийдир».**

Маълумки, сил касаллиги тез юқувчи, тарқалувчи касалликлар сирасига киради. Уни ихтиёрий даволаш эса касалликнинг тарқаб кетиши учун имконият яратади, холос. Бунинг устига одамлар табиатида азалдан бу касални бошқалардан яшириш, билинтирмасликка мойиллик кучли. Шундай экан, қонуннинг мазкур моддаси аниқ, таъсирли, мукаммал бўлса янада яхши.

Қонун лойиҳасининг 13-моддасида сил касаллигига қарши ёрдам кўрсатишда иштирок этадиган ходимлар учун кафолатлар ва имтиёзлар ўз ифодасини топган. Мазкур модда юзасидан ҳам депутатнинг амалий тажрибадан келиб чиққан ҳолда билдирган таклиф ва мулоҳазалари бор.

— Ҳар қандай шифокор ҳам сил касаллигини даволаш тизимларида ишлаш истагини билдиравермайди. Айниқса, фтизиатрия соҳасида мутахассислар етишмайди. Шу сабабли ҳам мазкур моддага тиббиёт институтларида мазкур соҳа учун мақсадли мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилиши, уларни қатъий равишда шифохоналарга ишга йўллаш, иложи бўлса шу соҳадан нафақага чиққан ходимлар яна ишлаш истагини билдирса, иш ҳақлари, нафақаларини тўлашда енгиллик берувчи бандлар киритилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Биз шифокорлар фаолиятимиз учун жуда зарур бўлган мазкур қонуннинг тезроқ қабул қилинишидан манфаатдормиз, — дея суҳбатни якунлади депутат.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Поездлар Юнусободга элтади



Истиқлолнинг 10 йиллиги байрамида ишга тушадиган Юнус Ражабий бекати шундай кўринишга эга бўлади

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айни пайтда ушбу бекатлар оралиғидаги Бўзсув канали устидан метро кўприги барпо этилмоқда. Айниқса, бу ишда 1, 2- қурилиш-монтаж бошқармасининг қурувчи, таъмирловчи ва бурғуловчиларининг ҳиссаси катта бўлаётир.

Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида фойдаланишга топшириладиган мазкур янги метро йўналиши кунига 300 мингдан зиёд йўловчининг узоғини яқин қилади, уларга тўрт юздан зиёд метро ходимлари хизмат кўрсатади.

Ушбу янги объектнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, унда тошкентликлар ва меҳмонлар "Чилонзор" йўлидан Амир Темур бекатига тушиб, "Юнус Ражабий" орқали янги Юнусобод йўналишига ёки "Ўзбекистон" йўлидан янги йўналишга ўтмоқчи бўлган йўловчилар эса "Ойбек" метроси орқали "Минг ўрик" бекатидан ўша Юнусобод йўлига тушиб олишлари мумкин. Демак, экологик жиҳатдан безарар бўлган янги метро йўлидан нафақат Юнусобод тумани, балки пойтахтимизнинг бошқа ҳудудларидаги йўловчилар ҳам баҳраманд бўлишади. Хуллас, Юнусобод йўлига, хоҳланг Ўзбекистон йўлидан, хоҳланг Чилонзор йўлидан ўтишингиз мумкин.

Умуман пойтахтимизда метро қурилиши узлуксиз давом этади. Метрополитенчилар келгусида умумий узунлиги салкам 10 километрлик "Сирғали" — "Отчопар" йўлини хорижлик ҳамкорлар билан биргаликда бунёд этиш учун икки томонлама музокара олиб боришмоқда. Жумладан, яқинда пойтахтимизга ташриф буюрган Хитойнинг машҳур "Ситик" компанияси ана шу мақсадга 220 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратишга тайёр эканлигини маълум қилди.

Эндиликда Амир Темур бобомизнинг машҳур иборасини "Агар қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурган метро бекатларига боқинг", деб ўзгартириб айтсак тўғри бўлади.

**Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,**
**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ (суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

Сим орқали мулоқот

# Сайловчининг кўнглидаги гап

**Янги рукн очиб, телефонларимизни эълон қилганимиздан сўнг қўнғироқ қилувчиларнинг сони анча ортди. Уларнинг орасида депутатлар ҳам, сайловчилар ҳам бор. Эслатиб ўтамиз: билдирилган таклиф-мулоҳазалар газета саҳифаларида изчил ёритилади. Марҳамат, икки депутат фикрлари билан танишинг.**

**Турсунбой НОРҚУЛОВ, Ғаллаорол туманидаги «Тоза уруғ» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Олий Мажлис депутати:**

— Шахсан менга «Прокуратура тўғрисида»ги, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги ҳамда «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаларининг сессия муҳокамасига киритилгани маъқул бўлди. Чунки одамлар орасида бўлганимда, фуқароларни қабул қилиш чоғида ҳуқуқ-тартибот идоралари билан боғлиқ масалалар ва муаммоларга бот-бот дуч келаман. Фуқароларимиздан келаётган шикоятларнинг кўп қисми суд ҳужжатлари ва бошқа идораларда қабул қилинган қарорларнинг вақтида бажарилмаётгани ҳақидалиги ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Айниқса, нафақа ундириш, алимент талаб қилиш, жаримани вақтида тўлатиш каби кўплаб масалалар тегишли судларнинг қарорлари бўлса ҳам пайсалга солинади. Қишлоқ фуқаролар йиғинлари, ҳатто, ҳокимликларда қабул қилинган айрим қарорлар ҳам бажарилмай қолади. Назаримда, бундай ҳолатларга чек қўйиш пайти келди. Менимча, суд қарорларининг ижросини таъминлайдиган алоҳида ижро департаменти бўлгани маъқул.

Яна бир масала. Сил касаллигига қарши ҳозирги имконият ва муҳофаза чоралари унинг кўламига нисбатан етарли эмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасида кўрсатилган ҳуқуқий чора-тадбирлар, ваколатлар, аҳоли ўртасида олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот мутасадди идораларнинг масъулиятини ошириши табиий.

Мен айтаётган ҳозирги мулоҳазалар бевосита сайловчилар билан бўлган суҳбатлар ва учрашувларнинг маҳсули. Сизларга уларнинг гап-сўзларини етказяпман, холос.

**Ағитой АДИЛОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир туманидаги «Тахтакўпир» ширкат хўжалиги раиси, Олий Мажлис депутати:**

— Сайловчиларим билан гоҳ иш, гоҳ бошқа сабаблар билан тез-тез учрашиб турибман. Нима ҳақда суҳбатлашмайлик гап охир-оқибат сув тақчиллигига бориб тақалади. Бу менга ҳам ишим учун, ҳам депутатлигим учун асқотади. Чунки ҳозир мен аъзо бўлган Олий Мажлиснинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасида «Сув Кодекси» лойиҳаси тайёрланаяпти. Уни тайёрлашда сайловчиларимизнинг фикр-мулоҳазаларидан ҳам фойдаланаяпмиз.

Мен, айни чоғда, бўлажак сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг аъзосиман. Сессия кун тартибига киритилган бошқа қонун лойиҳаларини сира камситмаган ҳолда «Мудофаа тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини (иккинчи ўқишда) алоҳида тилга олишни хоҳлардим. Чунки бизнинг кўп нарсалардан азиз, кўп нарсалардан улуғ, кўп нарсалардан қадрли бўлган иккита бойлигимиз бор. Уларнинг ҳар иккисига ҳам она сўзи нисбат бериб айтилади: — биринчиси, она Ватан, иккинчиси она халқимиз. Шу Ватанни, шу халқни кўз қорачиғидек асраш ҳар биримизнинг биринчи даражали бурчимиздир. Ватан тинч, халқ омон бўлса мақсадларимизга эришишимиз тайин.

**Телефонда «Халқ сўзи» мухбирлари**
**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ**
**навбатчилик қилишди.**

**Эслатиб ўтамиз, телефонларимиз: 133-57-34, 133-78-92, факс: 133-09-85.**



# «Ойим»нинг ширинликлари

Жалолқудуқ туманидаги «Ойим» ширкат хўжалигига қарашли «Нодирабегим» қандолатчилик цехи 20 турдаги кондитер маҳсулотларини харидорлар буюртмасига кўра тайёрламоқдалар. Аҳоли улар хизматидан мамнун.

*СУРАТДА: ишчи Муқимжон Абдураҳмонов.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

Истиқлол берган имкон

# Далада томорқадагидай меҳнат

*ЁКИ*

## рақамлар мағзини чаққанда

Чиноз туманидаги «Гулзоробод» ширкат хўжалиги молия-ҳисоб маркази бошлиғи Маматқул Раимқулов билан иш юритишнинг илғор шакли, унинг афзалликлари, пай эгаларининг йил якунига кўра оладиган дивиденди тўғрисида суҳбатлашар эканмиз, «Мулкий пай гувоҳномаларидан бирини кўриш мумкинми?» деб сўрадик.

— Гувоҳномалар ҳар бир кишига аллақачон тарқатиб бўлинган. Истасангиз, мана, менинг гувоҳномамни кўришингиз мумкин, — деб Маматқул ака столининг тортмасидан бизга кўкиш рангли ҳужжатни узатди.

Муқовасига «Мулкий пай гувоҳномаси» деб ёзилган бу ҳужжатда Маматқул Раимқуловнинг хўжаликда қанча улуши борлиги, 1999 йил якуни бўйича қанча дивиденд олганлиги ёзилган эди. Молия-ҳисоб маркази бошлиғининг айтишича, ширкат хўжалигида 612 та ана шундай гувоҳноманинг эгаси мавжуд. 394 нафар пай эгаси айни пайтда хўжаликда меҳнат қилмоқда, қолганлари шу ерда ишлаб пенсияга чиқишган.

Ҳудуди Чиноз тумани марказига туташиб кетган мазкур хўжаликнинг вилоятда алоҳида ўрни бор. У бундан бир неча йил аввал республикамизда тажриба сифатида ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти асосида иш юритиб, таркибига 24 та хўжалик киритилган эди. Синов муваффақиятли ўтгани, кўрсаткичлар яхши бўлганлиги боис жамоа Тошкент вилоятида биринчилардан бўлиб 1998 йил 19 ноябрда ширкат хўжалигига айлантирилди.

Хўжалик ширкатга айлантирилгач, кўрсаткичлар салмоғи ҳам, олинаётган соф фойда ҳам ўсиб борди. Буни рақамлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Дастлабки йили, яъни 1999 йили 505 гектар ерда пахта, 312 гектар майдонда буғдой етиштирилди. Пахтачиликдан қарийб 5,2 миллион сўм, ғаллачиликдан 1,5 миллион сўм бошқа тармоқларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, жами 9,9 миллион сўм соф фойда олинди. Рентабеллик даражаси 11 фоизни ташкил қилди. Бир миллион 867 минг сўм пай эгаларига дивиденд сифатида ажратилди. Айниқса, ўтган йилги кўрсаткичлар янада яхши бўлди. Пахтачиликдан 6,7 миллион сўм, ғаллачиликдан 3,4 миллион сўм соф фойда олишга эришилди. Хўжалик бўйича эса бу кўрсаткич 15,3 миллион сўмга етди. Мулк эгаларининг баъзилари 80 минг сўмгача дивиденд олишди.

Энг муҳими, одамларда ерга, мулкка эгалик ҳисси уйғонди. Ўзларига ажратилган майдонларда ўз томорқасидагидай меҳнат қилишга ўрганишди. Амалга оширилаётган ислоҳотларга ҳам деҳқонларнинг ишончи ортиб бормоқда. Боиси — моддий манфаатдорлик тобора яхшиланяпти. Деҳқон йил якунидаги пировард натижадан манфаатдор эканлигини яхши билади. Қисқаси, ҳозирги деҳқон илгариги деҳқондан мутлақо фарқ қилади. У ўз ишини, ҳисоб-китобни яхши билади. Бир гектар ерга неча килограмм уруғлик сарф бўлишини, кам маблағ сарфлаб юқори агротехника қоидалари асосида мўл ҳосил етиштиришнинг ҳадисини олмоқда.

Биз ширкат хўжалигидаги пай эгалари номи ёзилган журнал билан танишганимизда шахсий ҳисобварағи 001 рақамли гувоҳноманинг эгаси, бош пудратчи Баҳром Умаровнинг хўжаликда 283382 сўмлик улуши борлигини, 1999 йил якунларига кўра, у 48200 сўм дивиденд олганлиги маълум бўлди. Биз у киши билан далада учрашдик. Узоқ йиллар хўжаликда бригадир бўлиб ишлаган, суяги меҳнатда қотган, тажрибали деҳқон ғўза ниҳоллари парваришини кузатиб юрган экан.

— Мана, чинакамига мулк эгаси бўлдик, — дейди у қониқиш оҳангида. — Ҳар бир киши хўжаликда қанча улуши борлигини яхши билади. Яқинда ўтган йилги якун бўйича дивиденд бериладн. Шу маънода барча манфаатдорликни сезиб, астойдил меҳнат қилмоқда.

Мана, бир мисол. 1998 йили хўжалигимизда пахта хом ашёсининг 58 фоизи биринчи сортларга сотилган бўлса, ўтган икки йилда бу кўрсаткич 80 фоиздан ошди. Бу манфаатдорлик эмасми?

Биз юқорида мамлакатимиз халқ хўжалигининг етакчи тармоғи ҳисобланган қишлоқ хўжалигида изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самарасини бир хўжалик мисолида, қисқа бўлса-да, баён қилишга ҳаракат қилдик. Аслида ислоҳотлар тумандаги барча хўжаликларда ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Гап шундаки, мавжуд 13 хўжаликнинг 12 таси ширкатга айлантирилган. Мулк шакли ўзгаргач, хўжаликларнинг ҳаммасида режалар узлуксиз бажарилиб, олинаётган фойда миқдорининг ҳам ўсишига эришилаяпти. Масалан, 1999 йили 75 миллион 877 минг сўм соф даромад олинган бўлса, бир йил ўтгач, бу кўрсаткич қарийб 359 миллион сўмни ташкил этди.

Ҳа, мамлакатимиз деҳқончилигида ижобий ўзгаришлар юз бермоқда, деҳқон мулк эгаси бўлиб, унинг дунёқараши ўзгариб бораётир. Қувонарлиси, бугунги ўзбек деҳқони ҳисоб-китобни ҳам, деҳқончилик маданиятини ҳам, илғор усуллар асосида иш юритишни ҳам яхши билади. Бу эса кутилганидан зиёд самара бермоқда.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Банк тизимининг самарадорлиги — иқтисодий ривожланиш асосидир

(Давоми. Боши 1-бетда).

шини қисқартиришга доир чора-тадбирлар мажмуини қабул қилиш;

— биржадан ташқари валюта бозоридаги операциялар ҳажмини кенгайтиришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобига валюта бозорини эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

— банкларнинг иқтисодиётнинг реал секторини молиялашга қаратилган инвестиция фаолиятини янада жонлантириш, молиявий ресурсларни бозор тамойиллари асосида жадал иқтисодий ривожлантиришга муҳтож бўлган ҳудудларга йўналтириш механизмини жорий этиш ҳисобига республика ҳудудларини банклар томонидан мувозанатли молияланишини таъминлаш;

— Ривожлантириш банкини ташкил қилиш; банкнинг асосий мақсади келгуси йилларда иқтисодиётдаги тузилмавий ўзгаришлар билан боғлиқ устувор ҳукумат дастурларини молиялашдан иборат бўлиши лозим;

— йирик ва ўрта тижорат банкларидаги давлат улушини хусусийлаштириш дастурини амалга ошириш;

— банк соҳасига хизмат кўрсатувчи молиявий инфратузилма (лизинг, суғурта, лойиҳалаш-инжиниринг, консалтинг, рейтинг ва бошқа компаниялар)ни жадал ривожлантириш;

— аҳоли маблағларини банк депозитларига жалб этиш ҳажмини кенгайтириш, тижорат банклари томонидан истеъмол кредитлари бериш тизимини ривожлантириш;

— корхоналарнинг айланма сармоясини тўлдириш учун самарали фаолият юритувчи қисқа муддатли кредитлар бозорини ташкил қилиш.

Комиссия Марказий банк ва Банклар уюшмасига икки ойлик муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идораларaро мувофиқлаштирувчи кенгашга тақдим этиш учун 2001-2005 йилларда банк тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурини ишлаб чиқишни тавсия этди.

**(ЎзА).**

# Киноижодкорлар мулоқоти

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маълумки, кинофильмларнинг асосини мукаммал, бадиий пухта киносценарийлар ташкил этади. Долзарб мавзуларда сценарийлар яратишга, режиссёрлар танлашга эътибор сусайгани, бу ишларни амалга ошириши шарт бўлган Бадиий кенгаш фаолияти тўғри ташкил этилмагани рўй-рост танқид қилинди.

Суҳбат қатнашчилари мавжуд муаммолар тўғрисида гапирар эканлар, уларни ҳал этиш йўллари ҳақида амалий таклифлар билдирдилар. Яратилаётган фильмларнинг томошабинларга вақтида етиб бормаётгани, кенг намойиш этилмаётгани, видеокассеталарда тарқатилмаётгани ҳақида куйиниб гапирдилар. Бугунги кунда кино соҳаси мутахассисларини тайёрлаш, иқтидорли ёшларнинг "Умид" жамғармаси орқали хориждаги нуфузли кино санъати ўқув юртларида таҳсил олишларини ташкил этиш вақти келгани ҳақида фикрлар билдирилди.

Давра суҳбати иштирокчилари ўзбек кинематографиясини тараққий эттириш ва бу соҳадаги ислоҳотларни тўла амалга ошириш бўйича Кенгаш тузишни таклиф этдилар.

Суҳбатда кинорежиссёр Ш.Аббосов, ёзувчилар Э.Аъзамов, Мурод Муҳаммад Дўст, санъатшунослар Ҳ.Акбаров, С.Хўжаева, Н.Каримова, кинодраматург Р.Муҳаммаджонов, киномуҳандис А.Ҳидоятов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазалари билан қатнашдилар.

**(ЎзА).**

# «Ҳайделберг»нинг Ўзбекистондаги хайрли ишлари

**Мамлакатимиз матбаа соҳаси кенг ислоҳ этилмоқда. Бу соҳада иш юритаётган барча корхоналар замонавий технологиялар билан жиҳозланмоқда. Янги корхоналар ташкил этилаётир. Янги технологиялар кўмаги билан мамлакатимизда замонавий сифат ва савияга эга бўлган рангли газета ва журналлар, илмий ва бадиий китоблар, таклифномалар ва шу турдаги бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилияпти.**

Германиянинг "Ҳайделберг" ("Heidelberg") фирмаси Ўзбекистонданоширлик йўналишида ишлаётган йирик компаниялардан биридир. Компания бу ерда ваколатхона очганига уч йил тўлди. Шу муносабат билан пойтахтдаги "Шератон" меҳмонхонасида бизнес-семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистондаги барча ноширлик корхоналари вакиллари, қўшни давлатлардан келган соҳа мутахассислари иштирок этди.

Тадбирни фирманинг Шарқий Европа мамлакатлари бўйича бошқарувчиси В.Албрехт очиб, Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги алоқалар ҳар томонлама тобора ривожланиб бораётганини таъкидлади.

— Икки давлат муносабатларининг чуқурлашувида "Ҳайделберг"нинг ҳам ўзига яраша ўрни бор, — деди В.Албрехт. — Фирма Ўзбекистонда коммуникация тармоғини ривожлантириш, хусусан, ноширлик учун зарур бўлган энг замонавий технологияларни келтириш ва ўрнатиш борасида сезиларли муваффақиятларга эришмоқда.

"Ҳайделберг" матбаа технологиялари ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги етакчи фирмалардан бири ҳисобланади. 150 йиллик тарихга эга бўлган бу компания деярли барча давлатларда ўз ваколатхонасига эга. Ҳозир фирмада дунё бўйича 25 мингдан ортиқ ишчи хизмат қилади. Унинг ўтган молия йилидаги савдо айланмаси 4,6 миллиард еврога тенг бўлди. Жорий йилда бу кўрсаткични 5 миллиарддан ошириш режалаштирилган.

Компания қисқа вақт ичида ўзбекистонлик ҳамкорлар билан йирик лойиҳаларни амалга оширди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси кўмаги билан Янгийўл китоб фабрикаси, Тошкент ва Нукусдаги полиграфия комбинатлари, Самарқанддаги "Тонг" босмахонаси "Ҳайделберг" технологияси асосида қайтадан жиҳозланди. Ушбу босмахоналарда, асосан, мактаб ўқувчилари учун китоблар, ўқув қўлланмалари ва бошқа турдаги матбаачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Юртимизда анча довруғ қозонишга улгурган "Растр" ва "Гротекс" босмахоналари ҳам шу фирма технологияси асосида ишлайди.

1 май куни "Ҳайделберг" иштирокида қайта жиҳозланган икки корхона - Янгийўл китоб фабрикаси ва Тошкент полиграфия комбинатининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Эрта-индин эса Самарқандда "Тонг" босмахонасининг очилиш маросимини ўтказиш режалаштирилган.

Семинарда йиғилганларга "Ҳайделберг"нинг Марказий Осиё давлатларидаги фаолияти, истиқболдаги режалари ҳақида маълумот берилди. Фирма томонидан ишлаб чиқарилган янги технологиялар намойиш қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси раиси Р.Шоғуломов иштирок этди.

**Равшан МАҲМУДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

